

**О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI**



**ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

« 6 » май 20 19 у.

№ 374

Toshkent sh.

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академик
лицейларига ўқувчиларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги
низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академик лицейларига ўқувчиларни танлаш ва ўқишга қабул қилишда тиббий кўрикдан ўтказиш тартибини соддалаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 26 сентябрдаги 767-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академик лицейларига ўқувчиларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 6 майдаги 374 -сон қарорига
илова

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академик
лицейларига ўқувчиларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги
низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 7-банддаги “ҳарбий” сўзи чиқариб ташлансин.

2. 14-банднинг бешинчи хатбошидаги “ҳарбий-тиббий” сўзлари “тиббий” сўзи билан алмаштирилсин.

3. 22-бандда:

биринчи хатбошидаги “ҳарбий” сўзи чиқариб ташлансин;

иккинчи ва учинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Номзодлар яшаш жойи бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси томонидан ташкил этиладиган тиббий комиссия кўригидан ўтади.

Тиббий кўриқдан ўтказиш якунлари бўйича номзодга тиббий маълумотнома берилади”.

